



ТУПРОҚГА ИШЛОВ БЕРИШ ВА ЎТМИШДОШ ЭКИНЛАРНИ ҒЎЗАНИНГ БИР КЎСАҚДАГИ ПАХТА ВАЗНИГА ТАЪСИРИ

К.Хўжаниязова

УрДУ ўқитувчи

Н.Хўжаев

УрДУ ўқитувчи

Г.Жуманиёзова

УрДУ талабаси

Қуролова Лобар

УрДУ магистрант

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10043574>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-October 2023 yil

Ma'qullandi: 23- October 2023 yil

Nashr qilindi: 26- October 2023 yil

KEY WORDS

Ғўза, пахта, экин, нав, чигит,
шудгор, барона, кўсак, грамм,
ўсимлик, тупроқ.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Хоразм вилоятининг ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида кузги буғдой ва такрорий экинларни етиштиришда минимал усулда, ғўза парваришлашда тупроқга комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиш, мавжуд пушта остига азотли ўғитлар йиллик меъёри ҳисобидан 100 кг/га миқдорда суюқ аммиак шаклида солинганда тупроқ унумдорлигини ошириш, агрофизик, сув-физик ва агрохимёвий хоссаларининг яхшиланганлиги, пировард натижада ғўза ва унинг мажмуидаги экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплашига ижобий таъсири илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида пахта саноати йирик йўналиш бўлиб Республикамизда 1 миллион гектар майдонга экиб етиштирилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 мартдаги ПҚ-179-сон “Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2022 йил 7 июлдаги ПҚ-308-сон “Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”, қарорлари билан пахта етиштирувчи фермер хўжаликларида янги ресурс тежамкор технологияларни қўллаган холда етиштириш бўйича топшириқлар берилган.

Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашда тупроқга асосий ишлов беришнинг ресурстежамкор минимал усулларда комбинацион агрегатлар ёрдамида олиб бориш, ЁММ, сув, минерал ўғитлар ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари: Тадқиқотлар лаборатория ва дала шароитида олиб борилиб, бунда «Методика полевых опытов с хлопчатником», «Методы агрофизических исследований почв Средней Азии», «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмалар асосида олиб борилиб, тажрибалардан олинган маълумотларга математик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубий қўлланмалари асосида таҳлиллар амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари: Олиб борилди тадқиқотларда ғўзанинг Андижон-36 навини биологик хусусиятларига кўра, бир кўсақдаги пахта вазнига қўлланилган ишлов бериш усул ва чуқурликлари, ўтмишдош экинларнинг турлари ҳамда азотни суюқ аммиакли шаклини қўллашни таъсири бўйича ҳам илмий таҳлиллар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис тадқиқот олиб борилган 2015-2017 йилларда давомида тупроқга ишлов беришнинг анъанавий (30-35 см чуқурликда шудгорлаш+ бароналаш+ пушта олиш) усули ўтказилиб, чигитни якка ва қўшқатор усулларида экиб, парваришланда бир кўсақдаги чигит вазни 5,5-4,8 грамгача, қўшқатор усулида экилганда якка қатор усулида экилганга нисбатан 0,7 грамгача кам бўлиши кузатилди. Шу ўринда яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, олиб борган тадқиқотларимиз ҳамда илмий манбалардан маълум бўлдики ғўзанинг кўчат қалинлиги миқдори ортиб бориши натижасида, яъни чигитни қўшқатор усулда парваришланда ўсимликни бўйи баланд бўлиши, кўсақлари нисбатан майдароқ бўлиши кузатилди. Тупроқга комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиниб, пушта остига кузда азотли ўғит ҳисобидан 200 кг/га миқдорда суюқ аммиак қўлланилиб, чигитни якка қатор усулида экилганда 5,6 грамни ташкил этиб, бу эса қўшқатор экилганга нисбатан 0,5 грамгача юқори бўлиши, ерга анъанавий усулда ишлов берилганга нисбатан эса экиш усулларига мос равишда 0,1-0,3 грамгача юқори бўлиши кузатилди. Шунингдек, тупроқга ресурстежамкор агротехнологияси қўлланилиб, яъни комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиниб, кузда пушта остига азот ҳисобидан суюқ аммиакни 100 кг/га миқдорда солиниб, чигитни якка қаторда экилганда бир кўсақдаги пахта вазни 5,7 грамни, қўшқатор усулида етиштирилганда 5,2 грамни ташкил этиб, бу эса ерга анъанавий усулда ишлов берилган 1-фонга (1-2 вар.) нисбатан экиш усулларига мос равишда 0,2-0,4 грамгача, комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиниб, кузда пушта остига 200 кг/га миқдорда суюқ аммиак шаклида қўлланилган технологияга нисбатан эса 0,1 грамгача юқори бўлиши аниқланди (1-жадвал)

1-жадвал

Тупроқга турли усул ва чуқурликда ишлов бериб, суюқ аммиак қўллашни ғўзанинг Хоразм-127 навини ўртача бир кўсақдаги пахта вазнига таъсири, г. (2020-2022 йй)

Т/р. №	Тупроқга ишлов бериш усуллари	Экиш тизими	2020 йил	2021 йил	2022 йил	Ўртача уч йиллик
	25-30 см чуқурликда	90x10-1	5,2	5,4	5,4	5,3

	шудгорлаш+ бораналаш+ пушта олиш (кузда) NPK 180:120:100(Назорат)	90x(30x12)- 1	4,7	4,6	4,6	4,6
	25-30 см чуқурликда агрегат ёрдамида ишлов бериб, пушта олиш (кузда) суюқ аммиак 180+PK 120:100	90x10-1	5,4	5,8	5,7	5,6
	25-30 см чуқурликда агрегат ёрдамида ишлов бериб, пушта олиш (кузда) суюқ аммиак 100+NPK 100:140:100	90x(30x12)- 1	4,9	5,2	5,1	5,1
	25-30 см чуқурликда агрегат ёрдамида ишлов бериб, пушта олиш (кузда) суюқ аммиак 100+NPK 100:140:100	90x10-1	5,8	5,9	5,8	5,8
	25-30 см чуқурликда агрегат ёрдамида ишлов бериб, пушта олиш (кузда) суюқ аммиак 100+NPK 100:140:100	90x(30x12)- 1	5,3	5,6	5,4	5,4

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш мумкинки, ерга минимал усулда ишлов бериб, кузги буғдой ва такрорий экинларни парваришлаш минимал усулда ишлов беришни ресурстежакор агротехнологиясини қўллаб, ғўза парваришлаш учун комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиш, пушта остига азотни суюқ аммиак ҳолда 100 кг/га миқдорда қўллашга нисбатан бир қўсақдаги пахта вазни анъанавий усулда ишлов берилганда 0,3 грамгача, доимий барча экинларни етиштиришда комбинацион агрегат ёрдамида ишлов берилганда 0,2-0,1 грамгача, кузги буғдой ва такрорий экинларни етиштириш учун минимал усулда, ғўза парваришлаш учун ҳайдов ўтказилганда 0,1 грамгача, доимий комбинацион агрегат билан ишлов бериб, пушта остига суюқ аммиак қўлланилганда 0,2-0,1 гача кам бўлиши кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Орипов Р., Остонов С. Пахтачилик. 2005. Б. 41
2. Халиқов Б.М., Намозов Ф.Б. “Алмашлаб экишнинг илмий асослари” Китоб. Тошкент. 2016. Б. 222
3. Абдуалимов Ш., Соатов А. Ғўзада гумин асосли стимуляторларнинг ўсимлик ўсиши, ривожланиши ва пахта ҳосилига таъсири //Агро илм Махсус сон [2]. 2022 Б 3-4.
4. Атажанов М.Тупроқга ишлов бериш усулларининг сув-физик хусусиятлари ҳамда пахта ҳосилдорлигига таъсири // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналининг Агро илм илмий иловаси. 2018 й. №6(56). 6.73-74